

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАЖОНОВ ИҚБОЛЖОН МАРИБЖОНОВИЧ

COVID-19 ТАЪСИРИДА УМУРТҚА ПОҒОНАСИ КЎКРАК ВА БЕЛ
СОҲАСИ ТУБЕРКУЛЁЗ СПОНДИЛИТИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАРИ

14.00.15 – Патологик анатомия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мамажонов Иқболжон Марибжонович COVID-19 таъсирида умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг патоморфологик ўзгаришлари.....	3
Мамажонов Иқболжон Марибжонович Патоморфологические изменения туберкулёзного спондилита грудного и поясничного отделов позвоночника под влиянием COVID-19.....	21
Matamonov Iqboljon Maribjonovich Pathomorphological changes of tuberculous spondylitis in the thoracic and lumbar spine under the influence of COVID-19	46
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	54

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАЖОНОВ ИҚБОЛЖОН МАРИБЖОНОВИЧ

COVID-19 ТАЪСИРИДА УМУРТҚА ПОҒОНАСИ КЎКРАК ВА БЕЛ
СОҲАСИ ТУБЕРКУЛЁЗ СПОНДИЛИТИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАРИ

14.00.15 – Патологик анатомия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3PhD/Tib4926 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махкамов Носиржон Жўраевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эшбаев Эркин Абдухалимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Тагайқулов Эркинжон Холиқулович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент
(Тожикистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават, Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: (info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____да тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

А.Б. Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,

тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда умуртқа поғонаси туберкулёзли спондилити, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим муаммолардан биридир. Бу касаллик *Mycobacterium tuberculosis* бактерияси сабабли юзага келиб, умуртқа поғонасининг яллиғланиши ва суяк тўқималарининг бузилишига олиб келади. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, болалар ва катталар орасида жиддий асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Жаҳонда суяк ва бўғим туберкулёзи учраш даражаси 55% ини ташкил этади, бу эса унинг глобал миқёсда нафақат фтизиатрия, балки ортопедия соҳасида ҳам долзарб муаммо эканлигини кўрсатади. Ҳаракат-таянч тизими касалликларининг 17-24% ни умуртқа поғонаси хасталиклари ташкил қилиб, суяк-бўғим фтизиатрик касалликларидан эса 24 фоизига тўғри келади. Дунё бўйлаб спондилитнинг иккала шакли билан касалланишнинг кўпайиши кузатилмоқда. Ушбу касаллик кўпинча ривожланаётган мамлакатларда учрайди, чунки бу ҳудудларда туберкулёзнинг умумий тарқалиши юқори, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимининг имкониятлари чекланган. Шу сабабли, ушбу касалликни эрта ташхислаш ва даволаш глобал соғлиқни сақлашнинг муҳим масалаларидан биридир. COVID-19 пандемияси тиббиёт соҳасига катта зарар етказди, чунки соғлиқни сақлаш тизимининг асосий ресурслари ва мутахассислари пандемияга қарши курашга сафарбар қилинди. Мутахассисларнинг келтирган маълумотларига кўра «...инсоннинг сурункали касалликлари орасида умуртқа поғонасининг турли даражадаги зарарланишлари кун сайин ортиши кузатилмоқда...»¹. Шу муносабат билан ушбу масла глобал миқёсда ортопедия ва фтизиатрия соҳасидаги долзарб муаммоларидан бирини хисобланади.

Жаҳонда умуртқа поғонаси туберкулёз спондилити касалликларининг клиник ва патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада умуртқа поғонаси касалликлари туберкулёз спондилити билан суяк аваскуляр некрозини функционал анатомик жойлашувини ва морфологик кўринишининг ўзига хос хусусиятларини солиштирма ташхислаш, умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларини морфометрик жиҳатларини ҳамда умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳасида ривожланадиган патоморфологик хос белгиларини солиштирма ташхислашдаги турли хил ёндашувларни таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан,

¹Fjeld OR, Grøvre L, Helgeland J, Småstuen MC, Solberg TK, Zwart JA, Grotle M. Complications, reoperations, readmissions, and length of hospital stay in 34 639 surgical cases of lumbar disc herniation. Bone Joint J. 2019 Apr;101-B(4):470-477.

инсоннинг инфекция ва сурункали касалликлари орасида COVID-19 дан кейинги умуртқа поғонаси туберкулёз спондилити билан аваскуляр некрози кенг тарқалган касалликларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини ошириш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик касалликларининг диагностика, даво ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ–4191-сон «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология ёрдами ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда охириги 10 йил ичида умуртқа поғонасини дегенератив касалликлари Европа давлатларида 23,7 млн ҳолат қайд этилган, аксарият 40-65 ёшлилар ўртасида кенг тарқалган. Умуртқаларнинг COVID-19 таъсирида дегенератив-дистрофик касалликларида диск оссификацияси ривожланиб бормоқда (Orel A.M., 2022). Охириги йилларда вертебрологлар ассоциацияси (RASS, 2021) томонидан умуртқа поғонасининг дегенератив касалликлари остеохондроз, спондилёз, асептик некрози ва бошқаларни учраш тенденцияси 2021 йил 28,9% га ошганлиги ва уларнинг неврологик асоратлари ўрганилган. Эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ касалланди, касаллик учраш даражаси асосан 40-70 ёш оралиғида кўп учрайди (Gouliourisetal, 2020; Vono C.M., 2021). Туберкулёз билан оғриган

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

беморлар учун даволанишнинг узилиши касалликнинг ёмонлашишига, шунингдек, дори воситаларига чидамликнинг ривожланишига олиб келди (Dehghani ва б., 2023). Маълумотларга кўра, ушбу инфекциялар COVID-19 орқали иммунитетнинг пасайиши ёки латент туберкулёзнинг реактивацияси туфайли ривожланган. Беморлар жарроҳлик ва антибиотик терапия орқали даволанган ва яхши клиник натижалар қайд этилган (Fadzrul Abbos Muhammad Ramli ва б., 2022). Беморларда антибиотик билан даволаш орқали клиник ҳолат ва МРТ кўрсаткичлари яхшилангани аниқланган, шу билан бирга жарроҳлик амалиёти талаб қилинмаган (Porovici GC ва б., 2023). Пандемия даврида суяк-бўғим туберкулёзини аниқлаш 16,2% га, марказий нерв тизими туберкулёзини аниқлаш эса 45,9% га камайгани қайд этилган. Бу ҳолат туберкулёзни назорат қилишни қийинлаштирди ва келгуси йилларда ушбу касалликнинг оғир шаклларига қарши курашиш учун қўшимча ташкилий ва молиявий ресурсларга эҳтиёж туғдирди (Кульчавеня, 2021).

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, касалликни эрта давридаёқ ташҳислаш асносида натижали асоратларсиз даволаш тизимини амалга ошириш, гистотопографиясига боғлиқ ҳолда ривожланадиган ўзига хос морфологик ўзгаришлар оқибатида юз берадиган асоратларни ташҳислашни такомиллаштириш бўйича долзарб илмий тадқиқотлар алоҳида давлат даражасидаги вазифа бўлиб қолмоқда (Исраилов Р., Махкамов Н.Ж., 2022).

Юқорида қайд этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга қадар клиник ва патоморфологик асосларидан солиштирма ташҳисини аниқлашга имкон берадиган ягона усуллар ва йўналишлар ишлаб чиқилмаган, касалликларни бартараф этиш учун янги ёндашувлар асосида қиёсий баҳолаш тартибини такомиллаштириш зарурлиги, ушбу ишда юқорида кўрсатилган, ҳали адабиётларда етишмайдиган муҳим маълумотларни такомиллаштиришдан иборат вазифаларнинг ечимини топиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2019-2023 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 билан боғлиқ туберкулёз спондилитининг морфологик хусусиятлари ва патогенетик механизмларини кенг қамровли клиник, морфологик ва морфометрик таҳлил асосида илмий асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

туберкулёз спондилитининг турли шакллари бор беморлар клиник-морфологик ва инструментал маълумотларининг натижаларига қараб морфогенез хусусиятларини аниқлаш;

COVID-19 таъсирида ва таъсирсиз ривожланган туберкулёз спондилитининг морфологик хос жиҳатларини баҳолаш;

COVID-19дан кейинги умуртқа суяги туберкулёз спондилитининг клиник-морфологик кўрсаткичларини таққослаш;

COVID-19 ёки унинг таъсирсиз касалланган беморлар кўкрак-бел умуртқаси туберкулёз спондилитининг хос таркибий қисм тўқима тузилмаларининг морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази ва Андижон вилоят патологик анатомия бюросида 2019-2023 йиллар давомида умуртқа поғонаси суяк ва тоғайли диски туберкулёз спондилит (COVID-19) касалликлари бўйича ўтказилган жарроҳликларда олинган 79 та биопсия материали ва умуртқанинг бошқа касалликларида (COVID-19 сиз) олинган 23 та умуртқа суяги ва тоғайли диски олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида COVID-19 таъсирида ва таъсирсиз ривожланган туберкулёз спондилит касаллигида умуртқа поғонаси тўқималари морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда COVID-19 билан боғлиқ туберкулёз спондилитининг морфологик хусусиятлари ва патогенетик механизмларини илмий асослаш учун клиник-анамнестик, морфологик, морфометрик, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 таъсирида специфик ялиғланишнинг мустақил клиник ва морфологик типи сифатида шаклланганлиги ва гранулематоз жараённинг ўзгарган структуравий тузилиши билан тавсифланган туберкулёз спондилитининг морфогенез хусусиятлари аниқланган;

COVID-19 таъсирида ривожланган туберкулёз спондилитида некроз ўчоқлар перифериясида эпителиоид Пирогов-Лангханс гигант ҳужайраларидан иборат гранулематоз тузилмаларнинг устунлиги билан намоён бўлиши, COVID-19 таъсирсиз ривожланган туберкулёз спондилитида эса самарали ялиғланиш жавобини акс эттирадиган фибробласт фаоллигининг ошиши ва коллаген толаларининг устунлиги морфологик жиҳатдан асосланган;

COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилитда тоғайли диск ва суяк тўқима тузилмаларида ривожланадиган клиник-морфологик хусусиятлари асосида кўкрак-бел қисмидаги паравертебрал ялиғланишларнинг морфогенезида таҳлилий даража кўрсаткичлари солиштирма ташҳислашни аниқлаш имконини берган диагностик фарқлар аниқланган;

COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилитида макрофаглар сонининг 1,18 мартага камайиши ва плазма ҳужайралари сонининг 2,7 бараварга кўпайиши яллиғланишнинг, COVID-19 таъсирисиз туберкулёз спондилитидан фарқли ўлароқ, яллиғланишнинг қон томир-экссудатив компонентининг патогенетик фаоллашувини ва ўзига хос грануломаларнинг янада агрессив, гиперергик вариантнинг шаклланишини кўрсатиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гранулома ҳужайра таркибининг аниқланган миқдорий параметрлари (макрофаглар ва плазма ҳужайралари) яллиғланишнинг экссудатив компонентининг оғирлигининг объектив морфометрик маркерлари сифатида фойдаланилиши мумкин, бу маълум бир жараёни стандартлаштирилган морфологик баҳолаш ва диагностик ўзгарувчанликни камайтириш имконини бериши асосланган;

умуртқанинг кўкрак-бел қисмидаги яллиғланиш ўзгаришларидаги аниқланган морфологик фарқлар касалликнинг локал прогнозини аниқлаштириш ва биопсия учун энг информацион соҳаларни танлаш имконини бериши ва клиник амалиётда морфологик диагностика самарадорлигини ошириши исботланган;

COVID-19 дан кейинги туберкулёз спондилитда умуртқа поғона суяги, тоғайли дискиннинг клиник-морфологик, гистологик тузилиши ҳақидаги маълумотларни баҳолаш билан паталогоанатомлар ва фтизиатрлар иш фаолиятида назарий ҳамда амалий билимларини оширишга хизмат қилиши асосланган;

умуртқа поғона суяги таркибида дастлаб оралик остеонид модда некробиозланиб, деструкцияланган остеобласт, остеокласт ва фибробластлар жойлашган бўшлиқлар пайдо қилади, кейин суякнинг қаттиқ устунларида дистрофик ва деструктив ўзгаришлар ривожланиши оқибатида некробиотик ўзгаришлар пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотлар асосида бу касалликни даволаш учун қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник-анамнестик, морфологик, морфометрик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳалари туберкулёз спондилити касалликларининг клиник-анамнестик ва патоморфологик ўзгаришларини такомиллаштиришда ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умуртқа поғонаси кўкрак-бел соҳаси

туберкулёзининг клиник, анамнестик ва инструментал хусусиятларини аниқлашда кенг имкон бериши, COVID-19дан кейин шаклланган умуртқа поғонаси туберкулёз спондилитида тўқималарда кузатилган морфологик ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиш, шунингдек клиник маълумотлар билан патоморфологик кўринишларни ўзаро солиштирма ўрганиш орқали мазкур касалликнинг ташҳислаш имкониятлари янада мукаммаллаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умуртқа поғонаси туберкулёз спондилитида учрайдиган дегенератив ўзгаришлар ва асептик некроз ҳолатларини COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ зарарланиш ва такрорий инфицирланиш белгиларининг намоён бўлиши билан уйғун ҳолда таҳлил қилиш натижасида қон томирларининг шикастланиши ҳамда пролифератив ўзгаришлари морфологик ва морфометрик далиллар билан тасдиқланганлиги, ушбу маълумотларни аниқлаш натижасида умуртқа поғонаси туберкулёз спондилитининг ташҳислашда муҳим назарий ва амалий асос яратиб берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

COVID-19 билан боғлиқ туберкулёз спондилитининг морфологик хусусиятлари ва патогенетик механизмларини кенг қамровли клиник, морфологик ва морфометрик таҳлил асосида илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: COVID-19 таъсирида специфик ялиғланишнинг мустақил клиник ва морфологик типи сифатида шаклланганлиги ва гранулематоз жараённинг ўзгарган структуравий тузилиши билан тавсифланган туберкулёз спондилитининг морфогенез хусусиятлари аниқланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 31 майда бi -48/и-сон билан тасдиқланган “COVID-19 таъсирида умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг патоморфологик жиҳатлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 45-сон ва Наманган вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 17.06.2025 йилдаги 52-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/34-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 таъсирида кечувчи туберкулёз спондилитни эрта аниқлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилияти сақланиб қолади, ногиронлик ва асоратлар камайади, реабилитация муддати қисқарди, бу эса тиббий хизмат сифатини ошириб, соғлом жамият ва иқтисодий барқарорликка хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 2,2 миллион сўм маблағлар эрта ташхис ва самарали даволаш усуллари жорий этиш орқали тиббий ресурсларни

тежаш, асоратларни камайтириш ва аҳоли соғлиғини яхшилаш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: COVID-19 таъсирида ривожланган туберкулёз спондилитида некроз ўчоқлар перифериясида эпителиоид Пирогов-Лангханс гигант ҳужайраларидан иборат гранулематоз тузилмаларнинг устунлиги билан намоён бўлиши, COVID-19 таъсирисиз ривожланган туберкулёз спондилитида эса самарали яллиғланиш жавобини акс эттирадиган фибробласт фаоллигининг ошиши ва коллаген толаларининг устунлиги морфологик жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 31 майда бi-48/и-сон билан тасдиқланган “COVID-19 таъсирида умуртқа погонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг патоморфологик жиҳатлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 45-сон ва Наманган вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 17.06.2025 йилдаги 52-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/34-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* беморлар ногиронликка дуч келмай, ўз кучларига таяниб яшай оладилар, бу эса туберкулёзнинг жамоада тарқалишини чеклаб, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлайди. Натижада, беморлар жамиятда ўрнини эгаллайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 150 миллион сўм маблағлар эрта ташхис ва самарали даволаш усуллари жорий этиш орқали тиббий ресурсларни тежаш, асоратларни камайтириш ва аҳоли соғлиғини яхшилаш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилитда тоғайли диск ва суяк тўқима тузилмаларида ривожланадиган клиник-морфологик хусусиятлари асосида кўкрак-бел қисмидаги паравертебрал яллиғланишларнинг морфогенезида таҳлилий даража кўрсаткичлари солиштирма ташҳислашни аниқлаш имконини берган диагностик фарқлар аниқланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 31 майда бi-48/и-сон билан тасдиқланган “COVID-19 таъсирида умуртқа погонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг патоморфологик жиҳатлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 45-сон ва Наманган вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 17.06.2025 йилдаги 52-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/34-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эрта ташхис жараёни беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайти, оғриқ ва ҳаракатда чекловларни камайтиради ва натижада тиббиёт тизимга юклама

камаяди, бошқа оғир беморларга тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ортади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 50 миллион сўм маблағлар эрта ташхис ва самарали даволаш усулларини жорий этиш орқали тиббий ресурсларни тежаш, асоратларни камайтириш ва аҳоли соғлиғини яхшилаш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилитида макрофаглар сонининг 1,18 мартага ва плазма ҳужайралари сонининг 2,7 бараварга кўпайиши яллиғланишнинг, COVID-19 таъсирисиз туберкулёз спондилитидан фарқли ўлароқ, яллиғланишнинг қон томир-экссудатив компонентининг патогенетик фаоллашувини ва ўзига хос грануломаларнинг янада агрессив, гиперергик вариантнинг шаклланишини кўрсатиши исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 31 майда бi-48/и-сон билан тасдиқланган “COVID-19 таъсирида умуртқа погонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг патоморфологик жиҳатлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 45-сон ва Наманган вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 17.06.2025 йилдаги 52-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/34-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* беморлар соғлим хаётга қайтади. Шифокорлар учун аниқ ташхис ва самарали даволаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 50 миллион сўм маблағлар эрта ташхис ва самарали даволаш усулларини жорий этиш орқали тиббий ресурсларни тежаш, асоратларни камайтириш ва аҳоли соғлиғини яхшилаш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг ривожланиш босқичларига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида умуртқа поғонасининг суякланиши бола туғилгандан кейинги барча ёшдагилар маълумотлари келтирилган бўлиб, жумладан дунёда ҳаракат таянч тизими касалликлари, хусусан, спондилитнинг глобал миқёсда ўсиши, масалан, охириги 10 йил ичида 100000 кишига 5,8 дан тахминан 30 та ҳолатга кўпайгани, дунёда 10 та энг хавфли касалликлар гуруҳига киритилганлиги муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди. Бобда шунингдек, COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ ўзгаришлар ўрганилган. Замонавий адабиётлар ва хорижий ҳамда МДҲ тадқиқотлари асосида COVID-19 ва сил қўзғатувчи таъсирда умуртқа поғонасидаги патологияларнинг этиопатогенези ва мониторинги тўлиқ таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**COVID-19 таъсирида умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг клиник-анамнестик ва лаборатор маълумотлари таҳлили. Материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида COVID-19 таъсирида умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг клиник-анамнестик ва лаборатор кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Тадқиқот учун Андижон вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказида 2019-2023 йилларда даволанган 79 нафар бемор (асосий гуруҳ, COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилит) ва 23 нафар бемор (назорат гуруҳи, COVID-19 таъсирисиз туберкулёз спондилит) маълумотларидан фойдаланилди. Асосий гуруҳда жарроҳлик йўли билан олинган 79 та биопсия намунаси, назорат гуруҳида эса 23 та умуртқа суяги ва тоғайли диск намунаси таҳлил қилинди. Клиник-лаборатор маълумотлар патогистология йўлланмалари ва касаллик тарихидан олинди. Беморларнинг анамнестик таҳлили 43 нафар аёл ва 59 нафар эркакнинг ёши, жинси ва ёндош касалликларига асосланди. 15-24 ёшли гуруҳида туберкулёз спондилит кам учраши (12%) ёш организм иммунитетининг кучлилиги билан, 25-44 ёшда юқори кўрсаткич (32%) эса ижтимоий фаоллик ва стресс билан, 45-64 ёшда энг юқори учраш (38%) иммун пасайиш ва

ёндош касалликлар (диабет, гипертония) билан изоҳланди. 65 ёшдан юқориларда 18% кўрсаткичда бўлиши, ушбу ёш гуруҳи кўпинча кундалик жисмоний фаолияти чекланган ва соғлиқни сақлашга кўпроқ эътибор қаратганлиги билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Беморларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимоти таҳлил қилинди ва қуйидагича аниқланди (1-расм).




1-расм. Беморлар ёши ва жинси бўйича учраш даражаси

Жами 102 нафар бемор орасида (эркаклар - 59, аёллар - 43) 45–64 ёшли беморлар гуруҳи COVID-19 таъсирида ҳам энг юқори касаллик юкламасига эга бўлган. Бу ёшда организмда иммунитет фаоллиги пасайиши, эндокрин ва гормонал ўзгаришлар рўй бериши, суяк ва тўқималар регенерациясининг секинлашиши билан боғлиқ.


COVID-19 таъсиридаги умуртқа поғонаси туберкулёз спондилити билан касалланган ҳамроҳ касалликлар ёшга қараб сезиларли фарқ кўрсатди. Ёш гуруҳларида касаллик юкламаси ва турли ҳамроҳ патологиялар алоҳида тенденцияни намоён қилди. 15-24 ёш гуруҳидаги беморларда гипертония ва қандли диабет кам учраган (мос равишда 5% ва 3%), анемия 10% ва аллергик касалликлар 15% ни ташкил қилган. Бу гуруҳда иммунитет ва метаболик фаоллик юқорилиги сабабли касаллик юкламаси паст бўлган. 25-44 ёшлиларда ҳамроҳ касалликлар бироз юқорилаган: гипертония 20%, қандли диабет 15%, анемия 18% ва аллергик касалликлар 25% ни ташкил этиб, шу ёшдаги иш фаоллиги ва стресс омиллари таъсирини кўрсатган. 45-64 ёш гуруҳидаги беморларда касаллик юкламаси юқори даражада бўлиб, гипертония 40%, қандли диабет 18%, анемия 25% ва депрессия 30% ни ташкил қилган. Бу ҳолат асосан ёшга боғлиқ иммун функцияси ва суяк-тўқима

регенерациясининг пасайиши билан изоҳланади, шунингдек, доимий стресс ва психоэмоционал юкламалар ҳам касаллик юкламасини янада оширишда муҳим роль ўйайди. Аёлларда эса шу ёшда менопаузага боғлиқ гормонал ўзгаришлар ва организмнинг физиологик заифлашиши касаллик юкламасини юқори даражада акс эттирди. 65 ёшдан юқори беморларда гипертония 45%, қандли диабет 30%, анемия 35% ва депрессия 25% ни ташкил этиб, физиологик заифлик ва иммунитетнинг камайиши касаллик юкламасини юқори даражада кўрсатган (2-расм).



2-расм. COVID-19 таъсиридаги туберкулёзли спондилит беморларда ҳамроҳ касалликлар учраш даражаси %да.

COVID-19 таъсирисиз ҳамроҳ касалликлар ёшга қараб турлича тарқалади, лекин умумий юклама коронавирус пандемияси давридагидан пастроқ кўринишда. 15-24 ёшда гипертония ва қандли диабет 1%, гепатит 2%, анемия 6%, аллергия касалликлар 7% ва депрессия 3% ни ташкил қилди. Бу ёшда иммун функцияси ва гормонал фаоллик юқори бўлгани сабабли ҳамроҳ касаллик юкламаси нисбатан паст. 25-44 ёшда гипертония 10%, қандли диабет 5%, гепатит 5%, анемия 25%, аллергия касалликлар 12% ва депрессия 8% ни ташкил этган. 45-64 ёшда гипертония 25%, қандли диабет 10%, гепатит 6%, анемия 30%, аллергия касалликлар 13% ва депрессия 20% ни ташкил этиб, ёшга боғлиқ иммун функцияси пасайиши ва суяк-тўқима регенерациясининг секинлашиши асосий омил ҳисобланади. 65 ёшдан юқорида гипертония 45%, қандли диабет 11%, гепатит 6%, анемия 25%, аллергия касалликлар 4% ва депрессия 25% ни ташкил этди (3-расм).




3-расм. COVID-19 таъсирисиз туберкулёзли спондилит беморларда ҳамроҳ касалликлар учраш даражаси %да.

Диссертациянинг «COVID-19 таъсирида ва таъсирисиз умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг патоморфологик жиҳатлари» номли учинчи бобида COVID-19 таъсирида умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитидаги патоморфологик ўзгаришлар таҳлил қилинди. Тадқиқот жами 102 бемор маълумотларига асосланди, шундан 79 нафари асосий гуруҳга, яъни COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилитига, 23 нафари эса назорат гуруҳига, яъни COVID-19 таъсирисиз туберкулёз спондилитига мансуб эди.


COVID-19 таъсирида ривожланган туберкулёз спондилитининг гистологик таҳлил натижаларида суяк тўқимасида казеоз некроз ўчоғи аниқланди. Казеоз некроз аморф ва донадор структурага эга бўлиб, марказий қисми дезинтеграцияланган ҳужайралар массаси билан тўлган. Казеоз зонасининг атрофида эпителиоид Пирагов-Лангханс гигант ҳужайралардан ташкил топган гранулёматоз инфильтрация кузатилди. Гранулёма атрофида боғловчи тўқимада зичлашув ва коллаген тўқималарининг ўсиши билан характерланувчи склерозлашув соҳаларининг шаклланиши кузатилди. Қон-томир деворларида склерозлашув, эндотелийнинг сийраклашиши, базал мембрананинг қалинлашуви ва периваскуляр инфильтрация аниқланди (4-расм).

COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилитда классик гранулёматоз яллиғланиш элементлари билан бир қаторда, вирусли инфекцияга хос бўлган васкулит ва микротромбоз каби қўшимча патоморфологик ўзгаришлар ҳам аниқланди. Марказий қисмида типик казеоз-некроз ўчоқлари жойлашган бўлиб, улар ядросиз, гомоген ва структурасиз шаклда намоён бўлди. Некроз ўчоқларининг перифериясида йирик эпителиоид Пирогов-Лангханс гигант ҳужайралардан иборат бўлган гранулёматоз тўпламлар кузатилди. Шунингдек, қон томир деворларида склеротик ва гиалинизациялашган ўзгаришлар, хусусан периваскуляр фиброз ва васкулит элементлари қайд этилди. Шунингдек, гранулёма атрофида лейкоцитар

инфильтратлар ва массив лимфопения билан намоён бўлган реактив қўшалок инфекция аломатлари кузатилди (5 ва 6-расмлар).




4-расм. COVID-19 таъсиридаги туберкулёзли спондилитда склероз соҳа ва қон томир ўзгаришлари. 1)-казеоз некроз эпителиоид (Пирогова-Лангханс) ҳужайраси билан. 2)-склероз соҳаси. 3)-қон томир деворидаги склероз. Бўёқ Г-Э. Ўлчами 4x10




5-расм. COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилитдаги казеоз некроз. 2)-эпителиоид ҳужайра. 3)-томир деворидаги склероз (қизғиш-пушти рангда). Бўёқ Ван-Гизон. Ўлчами 40x10

6-расм. COVID-19 таъсиридаги туберкулёз спондилитдаги некроз соҳасига ҳосил бўлган массив склероз (1). Бўёқ М-Т. Ўлчам 4x10

COVID-19 таъсирисиз туберкулёз спондилитнинг морфологик ўзгаришларида қуйидагилар аниқланди. Гранулёманинг периферик қисмида лимфоцитар-макрофагал инфильтрация аниқланиб, лимфоцитлар ва макрофаглар концентрацияси юқори экани кузатилди. Гранулёма атрофида бириктирувчи тўқима элементларининг шаклланиш белгилари, яъни фибробластлар фаоллиги ва коллаген толаларининг йиғилиши кузатилди. Тўқиманинг айрим қисмларида қон қуйилиш (геморрагия) соҳалари ҳам аниқланди (7-расм).



7-расм. 1)-Пирогов-Лангханс гигант хужайраси. 2)-гранулема периферик қисмидаги лимфоцитар-макрофагал инфильтрация. 3)-шаклланаётган бириктирувчи тўқима. 4)-қон қуйилиш соҳаси. Бўёқ Г-Э. Ұлчам 10x10




8-расм. Некроз соҳа ўрнидаги бириктирувчи тўқима толалари шаклланиши 1) қон қуйилиш соҳалари 2) бўёқ Массон трихром. Ұлчам 10x10

Препарат марказий қисмида йирик, кўп ядроларга эга бўлган Пирогов-Лангханс гигант эпителиоид хужайра жойлашган. Гранулёма атрофида моноцит-макрофагал инфильтрация аниқланди. Шу билан бирга, бириктирувчи тўқима элементларининг шаклланиш белгилари, яъни фибробластлар ва коллаген толаларининг ўсиши кузатилди. Бу эса сурункали яллиғланиш оқибатида фиброзлашув жараёнининг бошланишини англатади. Ушбу ўзгаришлар COVID-19 таъсирисиз ҳолатда ривожланган классик туберкулёз спондилити учун хос патоморфологик манзарани намоён этади. Гранулёма атрофида бириктирувчи тўқима толалари шаклланган бўлиб, улар коллаген толалари кўринишида намоён бўлди (8-расм).

Диссертациянинг «COVID-19 таъсирида умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳаси туберкулёз спондилитининг морфометрик таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида COVID-19 таъсиридаги ва таъсирисиз туберкулёз спондилитнинг морфометрик усуллар орқали солиштирма ташхислаш ўтказилди. COVID-19 таъсирида ривожланган туберкулёз спондилитида асосий хужайралар компоненти макрофаглар бўлиб, COVID-19 таъсирида ва COVID-19 таъсирисиз ривожланган туберкулёз спондилитида макрофагларнинг ўзаро фарқлиқлик жиҳатлари COVID-19 таъсирисиз ривожланган туберкулёзда 1,18 мартага кўплиги аниқланди. Бу эса, қўзғатувчи табиатида асосий фон инфекциясига жавобан специфик гранулёманинг асосий таркибини макрофаглар ташкил этса, COVID-19 таъсирида ривожланган гуруҳда асосан, плазмоцитлар кўпайганлиги аниқланди бу эса, морфологик жиҳатдан, асосланган плазмоцитларнинг кўпайганлигини тасдиқлайди. COVID-19 таъсирида асосан гранулёма таркибидаги плазмоцитлар COVID-19 таъсирисиз ривожланган туберкулёз спондилитига нисбатан, 2,7 мартага ошганлигини кўрсатади. Демак, гранулёма таркибида плазмоцитларни кўпайиши COVID-19 дан кейинги даврда юзага келган туберкулёз спондилитга хослигини келтиришга асос бўлади. COVID-19 таъсирида

ривожланган сил тугунчаларида аниқланган Пирогов-Ланганс хужайраларининг ўртача диаметри $454,22 \pm 2,24$ мкм ни ташкил этиб, назорат гуруҳидаги классик сил тугунчаларидаги Пирогов-Ланганс хужайраларининг ўртача диаметри $176,4 \pm 1,75$ мкм ни ташкил этганлиги аниқланди.



9-расм. COVID-19 таъсирида ривожланган туберкулёз спондилитида такомил топаётган Пирогов-Ланганс хужайралари диаметри ва хужайравий таркиби келтирилган морфограмма. Микронамуна NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/НАМАМАТСУ PHOTONICS/431-3196 JAPAN)да сканер қилинди. Бўёқ Г-Э. Ўлчами 10x20.

COVID-19 таъсирида ривожланган туберкулёзда олинган тугун умумий 64000 мкм² майдонида Пирогов-Ланганс хужайралари $8,4 \pm 1,06$ донани ташкил этган бўлса, классик туберкулёз спондилитда ушбу кўрсаткич, 64000 мкм² майдонда $4,26 \pm 1,21$ донани ташкил этганлиги аниқланди. Бу эса, шикастланиш COVID-19 таъсирида ривожланган сил тугунчасида кўп миқдорда такомил топаётган Пирогов-Ланганс хужайраларининг мавжудлиги билан ўз тасдиғини топади (9-расм).

